



Digital transformation of the economy

Farhod TURSUNOV ¹

Samarkand Institute of Economics and Service

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2021
Received in revised form
20 February 2021
Accepted 15 March 2021
Available online
15 April 2021

Keywords:

digital economy,
digital transformation,
digital technologies,
strategy,
business models,
innovative projects.

ABSTRACT

The article examines the process of digital transformation of the economy associated with the rapid introduction of information and communication technologies, innovative development of industry and the transition to a digital economy. The transition to new business models in the digital economy is analyzed.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Иқтисодиётдаги рақамли трансформация

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

рақамли иқтисодиёт,
рақамли трансформация,
рақамли технологиялар,
стратегия,
бизнес моделлар,
инновацион лойиҳалар.

Мақолада иқтисодиётдаги рақамли трансформация қилиш жараёnlари ахборот-коммуникацион технология-ларини жадал жорий этиш, саноатни инновацион ривожлантириш ва рақамли иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқлиги ҳақида фикр билдирилган. Рақамли иқтисодёт шароитида янги бизнес моделларига ўтиш таҳлил қилинган.

Цифровая трансформация в экономике

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

цифровая экономика,
цифровая трансформация,
цифровые технологии,
стратегия,
бизнес-модели,
инновационные проекты.

В статье рассматривается процесс цифровой трансформации экономики, связанный с быстрым внедрением информационно-коммуникационных технологий, инновационным развитием промышленности и переходом к цифровой экономике. Проанализирован переход к новым бизнес-моделям в цифровой экономике.

¹ Samarkand Institute of Economics and Service, Samarkand, Uzbekistan.

КИРИШ

Бугунги кунда иқтисодийни трансформация қилишнинг долзарблиги – иқтисодийда бир текис амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва трансформация жараёнларининг ўзига хос тезкор хусусиятлари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Худудларда иқтисодий ўсишни таъминлаш учун амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни тизимли таҳлил қилиш, жаҳон иқтисодийнинг ривожланиш босқичларини асосий йўналишларини ва саноати ривожланган мамлакатлар тажрибасини батафсил ўрганиш талаб этилади.

Мамлакатимиз Президенти, Ш.М. Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...Иқтисодийда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш керак...” лигини таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистонда иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тасдиқланган. Стратегия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Электрон ҳукуматни ривожлантириш рейтингида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, рақамли технологияларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади ва унда рақамли иқтисодий ва электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда ўрта ва узоқ муддатли истиқболли вазифалари белгиланган.

Стратегия доирасида 2020–2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да тўртта асосий соҳани, яъни электрон ҳукуматни, рақамли индустрияни, рақамли таълимни ва рақамли инфратузилмани ривожлантириш назарда тутилган ва унда, худуд ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш доирасида:

- аҳоли пунктларини Интернет тармоғига улаш даражаси, шу жумладан кенг поласали уланиш портларини 2,5 млнгача кўпайтириш, 20 минг километр оптик-толалари алоқа линияларини қуриш ва мобил алоқа тармоқларини ривожлантириш орқали 78 %дан 95 %га етказилиши;

- худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли соҳаларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар жорий этилиши;

- 587 минг нафар кишини, шу жумладан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида 500 минг нафар ёшларни қамраб олиш орқали компьютер дастурлаш асосларига ўқитиш ташкиллаштирилиши;

- иқтисодийнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда бошқарув, ишлаб чиқариш ва логистика жараёнларини автоматлаштириш бўйича 280 дан ортиқ ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар жорий этилиши белгиланган.

Рақамли технологияларни амалда татбиқ этилиши жамият ва иқтисодийни ривожланишининг муҳим йўналишларини аниқлаб беради ва одамлар ҳаётини тубдан ўзгаришига олиб келади. Рақамли иқтисодий шакллантириш кўплаб мамлакатлар, жумладан иқтисодий лидер – АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япония учун ҳам устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Сунъий интеллект, роботлаштириш, “Интернет буюмлар” каби технологияларнинг янги

авлодини пайдо бўлиши ижтимоий соҳа ва бизнес фаолиятида трансформация қилишни янги тўлқинини бошлашни тақоза этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича ҳудудларда, компанияларда бундай технологияларни жорий этилиши меҳнат унумдорлигини 40 фоизга оширади.

Microsoft компанияси томонидан берилган таърифга кўра рақамли трансформациянинг асосий мақсади рақобатбардошликни ошириш, доимо ўзгариб турувчи иқтисодий шароитда компанияга ўзини ривожлантириш учун имкон беришдир.

Рақамли трансформациянинг анъанавий автоматлаштирилган тизимдан фарқи самарадорликнинг кескин ошишида ҳисобланади. Шунинг учун трансформацияни муваффақиятли амалга оширилиши, одатда янги бизнес моделларни яратилишига олиб келади. Шунингдек, корхоналарда корпоратив ахборот тизимларини жорий этилиши ёки модернизация қилиниши бўйича амалга оширилган ҳар қандай лойиҳани ҳам рақамли трансформация деб бўлмайди.

Microsoft компанияси рақамли трансформация лойиҳларида қуйидаги функцияларни ажратиб кўрсатади:

1. Самарадорликни кескин ўсиши: корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичлари икки баробарга яхшиланиши мумкин.

2. Тежамкор, кенг ўлчамли ва мослашувчан замонавий технологиялардан фойдаланиш (Булутли хизматлар, Сунъий интеллект, “Интернет буюмлар”, катта ҳажмдаги маълумотлар, робототехника ва бошқалар).

3. Ўзаро боғлиқ бўлган ўзгаришларнинг мавжудлиги, яъни лойиҳа бизнеснинг бир неча соҳаларига таъсир кўрсатиши зарур. Мижозлар нафақат истеъмолчи бўлиши балки бизнеснинг бир қисмига айланиши, товар ва хизматларнинг сифатига таъсир кўрсатиши керак.

4. Ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш: зарур билимларга эга бўлиш ва доимо таҳлил қилиб бориш. Эгалланган билимлардан корхона ходимларини жалб этган ҳолда самарали фойдаланишга олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт анъанавий иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилишни, янги бозорларга чиқиш йўналишларини белгилаб беради. Янги бизнес моделлари мижозларга йўналтирилган (customer centric) бўлиб, уларнинг структурасини тўлиқ белгилаб беради, яъни мижоз талабини олдиндан белгиланган муҳим таклифини ҳисобга олиб, харидор томонидан маҳсулотдан фойдаланиш даврида, ўз вақтида (just-in-time) етказиб беришдан бошлаб даромад келишгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Иқтисодиётда инновацион бизнес моделларининг пайдо бўлишини ва тарқалишини рағбатлантирувчи очиқ маълумотлар платформаларини ривожлантириш энг долзарб тенденциялардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. Молия соҳасида ушбу концепция учинчи томонларга маълумотларни таҳлил қилиш ёки улардан фойдаланиш, турли хил дастурлар ва хизматларни бирлаштириш, шу билан мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкониятини берадиган мужассамлашган тизим (Open Banking) эканлигини кўрсатмоқда.

Янги бизнес моделларининг рақобатбардошлигини асосий параметри – янги маҳсулотни тезда бозорга (time to-market) чиқаришдир. Замонавий бизнес моделларининг энг муҳим вазифаси ҳар қандай жойда ва ҳар қандай вақтда мижозларнинг эҳтиёжларини қондириш учун рақамли муҳитдан фойдаланиш,

турли кўрсаткичлар ва маълумотларни рақамли ва жисмоний алоқа каналларининг барчасида синхронлаштиришдан иборатдир.

Сунъий интеллект, “Интернет буюмлар” ва катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш каби рақамли технологияларнинг тарқалиши қуйидаги категорияли бизнес моделларни ривожлантиради:

- рақамли платформалар – сотувчилар, харидорлар ва етказиб берувчилар ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро алоқани таъминлайди, транзакцион ҳаражатларни минималлаштириш ва иштирокчилар ўртасида товарлар ва хизматлардан биргаликда фойдаланиш ҳамда истеъмол қилиш имкониятларини кенгайтиради;

- ресурслардан фойдаланишга қаратилган сервис бизнес моделлари (жумладан: Software-as-a-Service (SaaS), Infrastructure-as-a-Service (IaaS) ва бошқалар);

- нархни шакллантириш асосида миқдорнинг самара ва натижадорликка йўналтирувчи бизнес моделлар (outcome based models);

- бизнес жараёнларини амалга ошириш учун ташқи ресурсларни (пул маблағлари, одамлар, ғоялар ва бошқалар) жалб қилишга асосланган краудсорсинг моделлари – инновациялар, маҳсулот ишлаб чиқариш, маркетинг, сотиш ва бошқариш ва бошқаларни жорий этишни ўз ичига олади.

Иқтисодий ривожланишнинг рақамли моделига ўтиш, албатта, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида, яъни яшаш тарзида, билим олишда ва умуман иқтисодиётда сифат даражасини ошишига олиб келади.

Рақамли иқтисодиёт ва рақамли бизнес моделларини жорий этилиши бир қатор жиддий талабларни қўяди. Биринчидан, таълим сифатини, давлат бошқаруви ва бизнесни юритиш самарадорлигини ошириш, ижтимоий соҳа ва бутун жамиятни ривожлантириш зарурлигини билдиради, бу факторлар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини инновацион хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни талаб этади.

Кўплаб корхоналар бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. Ресурслардан фойдаланишни самарали бошқариш ва лойиҳалаш соҳасидаги технологияларнинг эскирганлиги корхоналар фаолиятида кескин ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади ва қуйидаги йўналишларда ҳаракат қилиш зарурлигини кўрсатмоқда:

- “Индустрия 4.0” стратегияси лойиҳасининг тегишли қисмларини тайёрлаш учун хорижий экспертларни жалб этиш ва улар билан биргаликда янги технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлаш юзасидан қонунчилик асослари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш;

- самарали логистика тизимини яратиш, бу божхона самарадорлиги, транспорт инфратузилмаси сифати, халқаро ташишларни ташкил қилиш осонлиги, соҳа мутахассисларининг билим ва салоҳияти, юкларни кузатиш имконияти ва юкларни ўз вақтида етказиш даражаси каби меъзонларни ўз ичига олади. Мамлакат ҳудудида божхона фаолияти самарадорлигини ошириш, малакали соҳа мутахассисларини кўпайтириш, тизимга инновацион ёндашувни татбиқ қилиш;

- жамиятни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлар – давлат, олий таълим муассасалари ҳамда бизнес олами вакилларининг ўзаро илмий изланишлардаги ҳамкорлигини тизимли равишда йўлга қўйиш;

– нефть ва газ саноатида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, самарали режалар ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришда самарали бошқаришни амалга оширишга қодир мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакат иқтисодиётини рақамлаштириш йўли билан трансформация қилиниши муқаррар. Бу жараёни самарали ташкил этиш ва ривожлантириш учун: ахборот коммуникация тизимларини ривожлантиришда катта кадрлар салоҳияти эга бўлган давлатнинг таъсирини ошириш ва бутун жамият аъзоларини фаол иштирок этишини таъминлаш; кенг миқёсда иқтисодиёт тармоқларига инновацияларни ва технологик трансформацияларни кенг миқёсда жорий этилишини, айниқса замонавий технологияларга асосланган саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишларини қўллаб-қувватлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
2. “Рақамли Ўзбекистон-2030” Стратегияси. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/raqamli_uzbekiston.
3. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х, Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. – Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019.
4. Баранов М. Цифровое предприятие: пришло время перемен // PC Week. 2016. № 10. URL: <http://www.peweek.ru/>.
5. Кузнецова Т.И., Иванов Г.М., Опарин О.И. Цифровое предприятие в концепции «Индустрия 4.0» // Гуманитарный вестник. 2017. – № 12.
6. Турсунов Ф.У. Рақамли иқтисодиёт ва глобаллашув: Рақамли тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳимлиги. – Т. Иқтисодиётда инновациялар, 6-сон, 3 жилд, DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2020-6>.
7. <http://mitc.uz/uz/news/view/1186>.
8. <https://www.texnoman.uz/post/raqamli-iqtisodiyot-nima.html>.
9. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/65417-raqamli-iqtisodiyotning-afzal-liklari-vaistiqbolli-yunalishlari>
10. <https://review.uz/oz/post/raqamli-iqtisodiyot-mamlakatimiz-taraqqiyoti-ga-rovidir>.